

---

## ФАРҒОНАЛИК ЎҚУВЧИ ҚИЗ MICROSOFT КОМПАНИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЛК АМБАССАДОРИ БЎЛДИ

Фарғонадаги 10-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Дилафруз Жўрабоева Microsoft компаниясининг ёшларга мўлжалланган Microsoft Learn Student дастури амбассадори бўлди.

Эндиликда Дилафруз Microsoft компаниясининг Ўзбекистондаги юзи сифатида фаолият олиб боради.

Ушбу дастур компаниянинг ёшларга мўлжалланган лойиҳаси бўлиб, у компаниянинг бутун дунё бўйлаб технология соҳасида билимли, фаол ва интилувчан ёшларини саралаб олади.

“Ушбу лойиҳага топширишим ҳам, киришим ҳам осон кечмади, — дейди Дилафруз Жўрабоева. — Техник томондан билимларим яхши бўлгани учун мени номинацияга қўйишди. 1 йил давомида компания томонидан берилган турли шартлар ва топшириқларни аъло даражада бажариш талаб этилди. Шулардан бири Сунъий интеллект технологияси бўйича берилган 30 та модулдан иборат дарс ва топшириқлар бўлди.

Айни дамда Дилафруз Yandex учун ўқиш ва стажировкага топширган, синовлардан яхши ўтса Yandexнинг катта лойиҳаларига қўшилиш имкониятига эга бўлади.

Дилафруз Microsoft Developers Community Uzbekistan, Sado24, NET Documentation Uzbekistan. Турли стартап, кўплаб ҳакатон ва мусобақалар иштирокчиси. IT Community Uzbekistanнинг Фарғона водийси бўйлаб амбассадори ҳамда “Ибрат” speaking клубининг волонтери сифатида ҳам фаолият олиб боради.

У IT соҳасидаги 46 нафар аёл ва қизлар қаторидан жой олган ва Ўзбекистондаги топ 12 та спорт дастурчи қизлар жамоасига қўшилган.

2024-10-17 15:16:30